



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Қарши шаҳри 2022 йил 28 июль 4-1801-2203/2292-сонли иш

Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси Ҳ.Турсунов раислигида,  
судья ёрдамчиси Ҳ.Абсатторовнинг котиблигида аризачи

нинг жавобгар га нисбатан берган аризаси бўйича ишни аризачи вакили  
(ишончнома асосида) (жавобгар лар иштирокида Қарши шаҳар давлат  
солиқ инспекцияси биносида очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни  
аниқлади:

Аризачи судга ариза билан мурожаат  
қилиб, жавобгар нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп  
муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризада келтирилган важлар  
бўйича тушунтириш бериб, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари тақдим  
этилмаганлигини баён қилиб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор  
қилинган бўлсада, суд мажлисига келмади.

Мазкур ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал  
кодексининг 128, 170-моддасига асосан суд ишни жавобгар иштирокисиз кўриб  
чиқишни мумкин деб ҳисоблади.

Шунга кўра, суд аризачи вакилининг тушунтиришларини эшитиб,  
иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга  
асосан аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки)  
молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари  
ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган тартибда ва муддатда солиқ  
инспекциясига тақдим қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра солиқ  
тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни  
тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари)  
томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ  
тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни  
ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг  
илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ  
тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд  
томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича  
операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи  
томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ  
тўловчининг шахсий кабинетида унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича  
операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини  
кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги



ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда ва бошқалар.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини англатади.

Солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати ўтгач ўн кун ичида тақдим этилмаган тақдирда, банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор масъул иштирокчининг ёки ушбу консолидациялашган гуруҳ барча иштирокчиларининг операцияларига нисбатан солиқ органи раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан қабул қилиниши мумкин.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларг ататбиқ этилмайди.

Уқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантиришни, тарафлар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилганлиги сабабли давлат божи ундирмасликни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112-113, 118, 176-179, 186, 221, 222-моддаларини қўллаб, суд

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар

нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари (*бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун тўлаб бериладиган маблағлар бундан мустасно*) чиқиш қисми солиқ ҳисоботлари тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар

га хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгандан сўнг аризачи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор)га асосан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон ўн кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга.

**Судья**

**Ҳ.Турсунов**

